O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 4-dekabr • Payshanba • 143 (27.948) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бугун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНА ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Навоий вилояти ҳокимлигининг Навоий шаҳри халқаро аэропорти ҳудудида «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона (кейинги ўринларда — ЭИИЗ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши — замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ва модуллар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг қўламда ишлаб чиқаришдан иборат этиб белгилансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш муддати 30 йилни ташкил этади, бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин;

ЭИИЗ фаолияти давомида унинг ҳудудида алоҳида божхона, валюта ва солиқ режимлари, Ўзбекистон Республикаси норезидент фуқароларининг унинг ҳудудига кириш, ҳудудда бўлиш ва чиқиб кетишнинг, шунингдек, улар томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилади;

алоҳида ҳуқуқий тартиб, шу жумладан, солиқ, валюта ва божхона тартиби фақат ЭИИЗ ҳудудида фаолият кўрсатаётган ва ЭИИЗ дирекцияси томонидан рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар учун амал қилади;

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятини мувофиқлаштириш ва тезкор бошқариш тегишли равишда давлат органлари вакилларидан ташкил этиладиган Маъмурий кенгаш ва ЭИИЗ дирекцияси томонидан амалга оширилади. Маъмурий кенгашнинг шахсий таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилган барча ҳудуд ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун давр мобайнида фойдаланиш ва бошқариш учун Маъмурий кенгашга берилади;

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона дирекцияси хўжалик юритувчи субъектларга ЭИИЗ ҳудудида ер участкаларини субижарага топшириш, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ижара шартномаси бўйича бошқа шахсга бериш, ижара ҳуқуқини гаровга қўйиш, уларни улуш сифатида устав капиталига қўшиш ҳуқуқисиз ижарага беради. ЭИИЗ ҳудудида ер участкаларини сотиш ва бошқача тарзда ўзгага бериш тақиқланади.

3. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар уларга киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлган тақдирда ер солиғи, мулк солиғи, даромад солиғи, ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови (кичик корхоналар учун), Республика йўл жамғармаси ва Республика мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилсин:

3 миллион евродан 10 миллион еврогача — 7 йилга;

10 миллион евродан 30 миллион еврогача — 10 йилга. Кейинги 5 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади;

30 миллион евродан ортиқ бўлганда — 15 йилга. Кейинги 10 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади.

4. Шундай тартиб белгилансинки, унга кўра ЭИИЗда рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун муддатга экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб келинаётган асбоб-ускуналар, шунингдек, хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинади.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистоннинг ички бозорларида сотиш учун мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб кириладиган хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар учун божхона тўловлари, агар қонун ҳужжатларида бошқа имтиёзли тартиб кўзда тутилмаган бўлса, белгиланган ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) ундирилади, бунда уларни тўлаш муддати 180 кунгача кечиктирилиши мумкин.

Қайд этилган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда ЭИИЗ ҳудудига олиб кирилган асбоб-ускуналар, хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар сотилган ёки бепул берилган тақдирда, божхона тўловлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бюджетга тўлиқ ҳажмда ундирилади.

5. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектларга қуйидагилар рухсат этилсин:

(Давоми 2-бетда)

✓ ЎзХДПда ёш сиёсатчи — 2008

Ҳар қандай мамлакатнинг бугунги куни ва истиқболига унинг ёшларини кўриб баҳо бериш мумкин. Шу маънода йигит-қизларни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, улар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир.

Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясида «ЎзХДПда ёш сиёсатчи — 2008» кўрик-танловининг якуний — республика босқичи бўлиб ўтди.

Танлов қатнашчиларини Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Латиф Ғуломов табриклади.

Якуний босқичда 14 нафар иштирокчи 4 шарт бўйича беллашиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Олий Мажлис, сиёсий партиялар, сайловлар, сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари ва ёшларга оид қонунларни пухта билишларини намоён этишди. ЎзХДП Дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш юзасидан ўз таклифларини ўртага ташлашди.

Ушбу танлов якунлари ҳақида газетамизнинг кейинги сонида батафсил ҳикоя қиламиз.

Гулрўҳ ОДАШБОЕВА.

✓ Депутат ва ҳаёт

ПРОФЕССИОНАЛ ПАРЛАМЕНТ

фаолиятида сайловчиларнинг хоҳиши-иродаси ўз ифодасини топмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Ғуломовнинг ўз сайловчилари билан учрашувида ушбу фикр яна бир бор эътироф этилди.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти залида пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Дархон, Лашкарбеги, Яссавий, Ҳамид Олимжон номли маҳаллаларда истиқомат қилувчи сайловчилар, жамоатчилик вакиллари, шунингдек, институт талабалари ва педагогик жамоаси тўпланишди. Учрашувда депутат аввало, бугун мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, демократик жараёнларнинг тобора чуқурлашиб бораётгани ҳақида тўхталди. Парламент қуйи палатаси фаолияти, кўриб чиқилаётган қонунлар лойиҳалари, уларда асосан нималарга эътибор қаратилаётгани ҳақида сўз юритди. Ўзбекистон ХДП фракцияси фаолияти, фракция аъзоларининг қонун ижодкорлигидаги иштироки, кўтариб чиқаётган масалалари, ташаббуслари ҳақида маълумот берди.

— Икки палатали парламент фаолият кўрсатаётган давр (2005-2008 йиллар)да Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 184 та қонун қабул қилинди, Сенатда маъқулланди ва Президентимиз томонидан имзоланди, — деди депутат. — Уларнинг 43 таси халқаро ҳужжатлар, 23 таси ижтимоий соҳалар, 39 таси суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар билан боғлиқ. Ўзбекистон ХДП фракцияси бу жараёнда ижтимоий йўналтирилган қонунчиликни такомиллаштириш, уларда партиямиз электорати манфаатларини ҳимоя қилишга асосий эътибор қаратиб келмоқда. Айниқса, «Ипотека тўғрисида», «Микромолиялаш тўғрисида», «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида» (янги таҳрири), «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида», «Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиш, «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда ЎзХДП депутатлари кўплаб таклифларни илгари сурди.

Ўтган давр мобайнида қуйи палатанинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси жами 42 та қонун лойиҳаси бўйича масъул этиб белгиланди. Улар юзасидан қўмитанинг хулосалари тайёрланди. Ушбу қонунларнинг 31 таси юқори палатада маъқулланди, мамлакатимиз раҳбари томонидан имзоланиб, кучга кирди...

Сайловчилар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволлар билан депутатга мурожаат этдилар.

Савол: — Бизга маълумки, ўтган йили Президентимиз ташаббуси билан Конституциявий қонун қабул қилинди. Шундан сўнг сиёсий партиялар қандай ҳуқуқ ва ваколатларга эга бўлди?

Жавоб: — Ушбу қонун сиёсий партияларнинг давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш жараёнларида фаол иштирок этишини кучайтириш учун янги имкониятлар, ҳуқуқий майдон яратди. Айни чоғда партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Янги меъёрларга асосан, бугун сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари раҳбарлари қуйи палата Спикери ўринбосарлари сифатида фаолият кўрсатаяпти. Иккинчидан, мухолифатдаги сиёсий куч масаласида аниқ тушунча, қонуний асос яратилди. Бундан ташқари, ижро ҳокимияти ва маҳаллий ҳокимликлар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг механизми вужудга келди.

Савол: — Айни пайтда таълим тўғрисидаги қонун қайтадан ишланаётган экан. Бунинг сабаби нима?

Жавоб: — «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинганига ўн йилдан ошди. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда жаҳон андозаларига жавоб берадиган, ўзига хос таълим тизими яратилди. Табиийки, кўплаб тажриба тўпланди. Шулардан келиб чиқиб, таълимни янада юқори босқичга кўтариш мақсадида ушбу қонун янги таҳрирда қабул қилинмоқда.

Беҳзод ШУКУРОВ

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

Кеча, 3 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинованинг парламент юқори палатасининг ўн олтинчи ялпи мажлисига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишлар ҳақидаги ахборотини тинглаб, маълумот учун қабул қилдилар.

Қўмиталарнинг раислари навбатдаги ялпи мажлисда кўриб чиқиш мўлжалланаётган қонунлар юзасидан хулосалар, бошқа масалалар бўйича қарорлар тайёр эканлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Кенгаш мажлисида Сенатнинг бўлажак ялпи мажлисида йигирмадан ортиқ масалани, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги масалани, «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Амнистия актини қўллаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилиши тўғрисидаги бир қатор масалаларни кўриб чиқиш назарда тутилаётганлиги қайд этилди.

«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, шунингдек, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18 ва 19-моддаларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳам кўриб чиқилади.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Кенгаш кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

●●●

Шу куни Сенатнинг барча олтита қўмитасида мажлислар ўтказилиб, уларда ўн олтинчи ялпи мажлис кун тартибига киритилган масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисларда юқори палатанинг бўлажак ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджети мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган энг муҳим устувор вазифалари асосида ишлаб чиқилганлиги ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни, иқтисодиёт ва унинг айрим тармоқлари ҳамда минтақалар макроиқтисодий ва молиявий мутаносиблигини таъминлашга қаратилганлиги таъкидлаб ўтилди.

(Давоми 2-бетда)

КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

3-бет >

БУГУНГИ СОНДА:

• ИНСОНПАРВАРЛИК
мамлакатимиз Конституциясининг асосий тамойилидир 2

• БУЮК ХИТОЙ ДЕВОРИНИ КИМ ЎЛЧАГАН? 4

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНА ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

улар ўртасида тузилган шартномалар ва контрактлар бўйича ҳисоб-китоб ва тўловларни ЭИИЗ ҳудудида хорижий валютада амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан етказиб берилган товарлар, бажарилган иш ва хизматларнинг ҳақини эркин алмаштириладиган валютада тўлаш;

экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун ҳақ тўлаш ва ҳисобкитоб қилишнинг уларга қулай шартлари ва шаклларидан фойдаланиш.

6. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигининг солиқ тўловчилар аҳволини ёмонлаштирувчи ҳужжатлари татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилсин, акциз солиғига тортиладиган товарларнинг солиққа тортилишини тартибга солувчи ҳужжатлар бундан мустасно.

(Давоми. Боши 1-бетда)

7. Навоий вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси «Ер-геодезкадастр» давлат қўмитаси, Давлат архитектура-қурилиш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига ЭИИЗни жойлаштириш учун зарур бўлган ер майдони бўйича, унинг чегаралари аниқ кўрсатилган ҳолда, таклифлар киритсин;

бир ой муддатда, танланган ер участкаси маъқуллангандан кейин, уни эркин индустриал-иқтисодий зона яратиш мақсадида белгиланган тартибда ажратсин, уни зарур кадастр материаллари билан расмийлаштирсин ҳамда ЭИИЗ Маъмурий кенгашига у фаолият кўрсатадиган муддатга фойдаланиш ва бошқариш учун берсин;

2009 йил 1 мартгача бўлган муддатда мазкур зона ҳудудини барпо этишнинг, шу жумладан зарур муҳандислик коммуникациялари ва сервис хизматларини ташкил этишнинг дастлабки режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

2010 йил 1 январгача бўлган муддатда эркин индустриал-иқтисодий зонанинг Бош режасини ва зарур лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона тўғрисидаги Низомни тасдиқласин ва унинг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилсин;

2009 йил 1 январгача бўлган муддатда Навоий вилоятидаги эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятини тезкор бошқариш ва давлат томонидан тартибга солиш вазифаларини амалга ошириш учун ЭИИЗнинг Маъмурий кенгашини ташкил этсин;

уч ой муддатда иловага мувофиқ рўйхат бўйича «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

9. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона Маъмурий кенгашига:

Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда танлов асосида, ЭИИЗ дирекцияси сифатида халқаро эътироф этилган бошқарувчи компанияни танлаш ва унга шартнома асосида ЭИИЗни бошқариш;

хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда унинг фойдаланишида ва бошқарувида бўлган ерлар, бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан олинган тушумларнинг бир қисми ҳисобига шакллантириладиган эркин индустриал-иқтисодий зонанинг мустақил бюджетини шакллантириш;

мустақил бюджет доирасида, маблағлари инфратузилмани ривожлантиришга ва эркин индустриал-иқтисодий зонанинг фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтириладиган Эркин индустриал-иқтисодий зонани ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, зарурат бўлганда, Инвестиция дастурларини шакллантиришда ЭИИЗни ривожлантиришнинг тасдиқланган Бош режасига ва тақдим этилган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ эркин индустриал-иқтисодий зонанинг ишлаб чиқариш инфратузилмасини барпо этишга маблағларни назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 2 декабрь

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзолари ҳам суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг амнистия актини қўллаш тартибини, ижро иши юритишни такомиллаштириш ҳамда адвокатура институти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ қисмини чуқурлаштиришга, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини тақсимлаш тартибини жорий этишга қаратилган қонунларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасида сенаторлар суғурталовчиларга қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини бериш, шунингдек, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ қонунларни кўриб чиқдилар.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзолари томонидан мамлакат Қуролли Кучларида муддатли хизматни ўташ шароитларини такомиллаштиришни, қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг ташкил этилиши, фаолияти ва тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни назарда тутувчи қонунлар кўриб чиқилди.

Ташқи сиёсат масалалари қўмитасида Ўзбекистон Республикасининг айрим халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилиши ҳақидаги бир қанча қонунлар кўриб чиқилди. «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи факультатив Протоколга (Нью-Йорк, 1989 йил 15 декабрь) қўшилиши ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли Факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида»ги, «Ишлатиб бўлинган ёқилғи билан муомалада бўлиш хавфсизлиги тўғрисидаги ва радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлиш хавфсизлиги ҳақидаги Бирлашган Конвенцияга (Вена, 1997 йил 5 сентябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда бошқа бир қатор қонунларнинг маъқулланиши мамлакатимиз инсонпарварлик ғояларига ҳамда болаларни қуролли можароларда қатнашишдан муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига қарши курашда ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш, шунингдек, радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлиш ва уларни ташиш соҳасидаги халқаро муносабатларни тартибга солиш йўлига содиқлигини яна бир бор тасдиқлайди деб қайд этилди. Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг бир қатор хорижий мамлакатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш билан боғлиқ масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмиталарининг аъзолари ҳам Сенатнинг ўн олтинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилдилар.

Мажлисларда 2008 йилнинг ўтган даврида сенаторлар амалга оширган ишларнинг якунлари кўриб чиқилди ҳамда Сенат қўмиталари фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар қабул қилинди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

✓ ЎзХДП ҳаёти

Конституциямиз моҳиятига кўра, мамлакатимиз тараққиётининг ҳуқуқий кафолатидир. Шунинг учун у қабул қилинган сана умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Қашқадарё вилоятида ҳам ЎзХДП ташкилотлари томонидан меҳнат жамоалари, маҳаллалар ва ўқув юртларида Бош Қонунимизга бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

ИНСОНПАРВАРЛИК

мамлакатимиз Конституциясининг асосий тамойилидир

Маълумки, Конституциямизда фуқароларнинг эмин-эркин билим олиш, касб-ҳунар эгаллаш ҳуқуқи кафолатланган. Ана шу ҳуқуқлардан фойдаланаётган минглаб ёшлар Қарши шаҳридаги иккита олий, ўнлаб ўрта-махсус ўқув юртларида таълим олмоқда. Қарши политехника касб-ҳунар коллежи ҳам 760 ўқувчини ўз бағрига олган.

Куни кеча **Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят ва Қарши шаҳар кенгашлари** ташаббуси билан «Конституциямиз — бахтимиз пойдевори» деб номланган учрашув бўлиб ўтди. Унда коллеж ўқувчи-ўқитувчиларидан ташқари, Роғузар, «Самарқанд», Эскианҳор маҳаллалари вакиллари, ХДП туман кенгашлари раислари ва фаоллар иштирок этишди.

Тадбир Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Анвар Шукуровнинг сайловчилар билан учрашувига уланиб кетди. Депутат Асосий Қонунимизнинг ҳаётимиздаги аҳамияти, унда давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлиги, ижтимоий адолат тамойили асосида олиб бориши алоҳида белгилаб қўйилганига эътибор қаратди. Айни пайтда, Қонунчилик палатасида яратилаётган қонунлар, уларни ҳаётга татбиқ этиш масалаларига батафсил тўхталди. Шунингдек, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида Конституциямизда белгилаб қўйилган кафолатларнинг амалдаги ифодасини ҳаётий мисоллар асосида шарҳлаб берди.

Ҳуқуқшунос Бердиёр Суюнов Конституциямизнинг асосий қоида ва принципларини атрофлича таҳлил қилиб, инсон, шахс ҳаёти, унинг эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати олий қадрият сифатида қайд этилгани ва бу тамойиллар жамиятимизда ўз ифодасини қандай топаётгани ҳақида мулоҳаза юритди. Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди бош мутахассиси Хайрулло Камолов суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг аҳамияти ҳақида тўхталди. Масалан, ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши юртимизда амалга оширилаётган инсонпарвар сиёсатнинг узвий қисми эканини таъкидлади. Иқтисодий жиноятлар учун жиноий жарима институтининг юзага келгани, ярашув институтининг қарор топгани Конституциямизда белгиланган ғоялар амалга ошаётганидан далолат беради.

Шунингдек, сўзга чиққан Рогузар маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ғайбулла Отабоев, ХДП Китоб туман кенгаши раиси Санжар Курбонов, халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши депутати Озод Умиров, коллеж директори Аваз Мавлонов ва бошқалар ҳам Конституциямизни чуқур ўрганиш ва унинг ғояларини янада чуқуроқ ҳаётга татбиқ этиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

●●●

Депутат Анвар Шукуров Муборак, Касби туманларида ҳам сайловчилар билан учрашди.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«ҒАЛЛАБАНК»

очиқ акциядорлик тижорат банки жамоаси

барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллиги *муносабати билан муборакбод этади ҳамда янги юқори фоизли ва муддатли омонатлар турлари қабул қилинганлигини эълон қилади.*

Ушбу омонатларга йиллик 18 фоиз миқдорида устама фоизлар ҳисобланиб, фоизлар ўзгарувчан шартлар асосида (олдиндан, ҳар ой, ҳар икки ой, ҳар чорак ва омонат муддати якунида) тўлаб берилиши кўзда тутилган.



Депозит ҳисобварақлардаги омонат суммаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4057 сонли «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ тўлиқ кафолатланади.

Омонатларга маблағлар «Ғаллабанк»нинг барча филиалларида қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-71-72, 236-74-30, 232-15-89
www.gallabank.com

«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин!

Реклама ва эълонлар

АЗИЗ ВА МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

Ўзбекистон — Германия

SAVDOGARBANK

«САВДОГАР»

акциядорлик-тижорат банки жамоаси

Жонажон Ўзбекистонимиз барча фуқароларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллиги ва муборак Қурбон ҳайити билан самимий қутлаб, ҳар бир оилага бахт-саодат, шодлик-фаровонлик тилайди!

ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ

«САВДОГАР»

акциядорлик-тижорат банки

юртдошларимиз даромадларини улар манфаатларига мос равишда ошириш мақсадида қуйидаги омонат турларини таклиф этади.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:

- **«САРМОЯДОР»** муддатли омонати, йиллик — 18%, муддати — 3 ой, энг кам миқдори — 100 000 сўм.
- **«КАПИТАЛ ПЛЮС»** омонати, йиллик — 18%, муддати — ихтиёрий, энг кам миқдори — 100 000 сўм.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА:

- **«ЭЛИТ»** муддатли омонати, йиллик — 7%, муддати — 12 ой, энг кам миқдори — 1000 АҚШ доллари.
- **«КОМФОРТ»** муддатли омонати, йиллик — 6%, муддати — 3 ой, энг кам миқдори — 1000 АҚШ доллари.

Мамлакатимиз осмони мусаффолиги, эл-юрт тинчлиги абадий бўлсин!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Саид Барака кўчаси, 78-уй.
Телефонлар: 281-30-29, 254-18-65
www.savdogarbank.uz

Хизматлар лицензияланган.

АЙБЛОВНИ РАД ЭТДИ

CNN телеканали орқали сўзга чиққан Покистон президенти Асиф Али Зардорий Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳридаги террорчилик ҳуружларига мамлакатининг дахли йўқ эканини таъкидлади. Шунингдек, у ҳиндлар томонидан қўлга олинган террорчи Аъзам Амир Касбининг Покистон фуқароси эканига шубҳа билдирди. Зардорийнинг тахминича, Мумбайдаги ҳуружлар ортида фуқаролиги аниқ бўлмаган террорчилар турибди. У террорчилик ҳаракатларини текширишда Ҳиндистон билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканини билдирган.

Эслатиб ўтамиз, ҳинд полицияси маълумотларига кўра, Аъзам Амир Касби Покистоннинг «Лашкари тойиба» гуруҳи жангарилари қўлида тайёргарликдан ўтган ва Покистоннинг фуқароси ҳисобланади. Боз устига, CNN ҳинд разведкасининг махфий манбаларига асосланиб хабар қилишича, ҳужум уюштирган ўн террорчининг ҳаммаси покистонлик бўлган. Бироқ бу хабар расмий равишда тасдиқланмаган.

ПАРВОЗЛАР ЯНА БОШЛАНДИ

Бангкокнинг Суваннапум халқаро аэропортини саккиз кун давомида эгаллаб турган Таиланд мухолифати вакиллари уни тарк этди. Франс пресс агентлигининг хабарига кўра, улар аэропортни назорат қилишни мамлакат маъмурларига топширган. «Таиланд аэропортлари» ташкилоти бошқаруви раисининг маълумотига қараганда, 4 декабрдан бошлаб аэропорт тўла ишлашга ўтади. Бошқарув раиси «Демократия учун халқ альянси» (PAD) партияси тарафдорлари бинога етказган зарар миқдорини айтиш мушкул деди. Маълумки, мухолифчилар Конституциявий суд ҳукмрон партияни тарқатиб, бош вазир Сончат Вонгсаватни ўз лавозимидан четлатгач, аэропортни тарк этишга рози бўлишган. Айтиш керакки, 25 ноябрда бошланган аэропортлар қамали натижасида 350 минг киши Таиланддан вақтида учиб кетолмаган. Барча авиақатновлар вақтинча Бангкокдан 140 километр олисда жойлашган Утапао ҳарбий аэропортига кўчирилган.

КЕМАЛАР ТЎҚНАШУВИ

Эгей денгизида иккита юк ташувчи кема тўқнашиб кетди. Украинанинг юк ташувчи «Danapris-2» кемаси ва Озарбойжоннинг Панама байроғи остида сузаётган «Emerald» кемаси Дарданелл бўғозига киришда бир-бирига урилган. Воқеанинг бошқа тафсилотлари номаълум. Тўқнашув жойига зудлик билан махсус кема ва буксир юборилган.

✓ 2008 йил – Ёшлар йили

Ўз-ўзидан аёнки, аҳолимизнинг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшларимизнинг ҳали-бери ечилмаган муаммоларига эътиборимизни жалб этиш, уларни ҳаётимизда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириш масаласи жамоатчилигимизнинг диққат марказида туриши шарт.

Ислом КАРИМОВ

Яна саноқли кунлардан сўнг мамлакатимизда «Ёшлар йили» деб номланган 2008 йилимиз ҳам тарих мулкига айланади. Йил бошида Президентимиз ташаббуси билан «Ёшлар йили» Давлат дастури қабул қилинди, улуғвор режалар белгиланди. Келажак авлод бахти, камоли, тақдирига эътиборнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлган ушбу муҳим ҳужжатнинг ижроси юзасидан бутун мамлакат миқёсида улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди, янги илм масканлари, Ёшлар маркази ва шаҳарчалари, муҳташам маданият ва спорт иншоотлари қад ростлади. Ёш оилаларимиз уй-жой шароитини янада яхшилаш мақсадида замонавий кўп қаватли уйлар тикланди, тижорат банклари томонидан ипотека кредитлари ажратилди... Ёшларимизни нафақат моддий, балки маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган кўплаб тадбирлар ўтказилди. «Ниҳол», «Янги авлод», «Келажак овози» ҳамда «Баркамол авлод» каби кўрик-танлов ва спорт мусобақаларида минг-минглаб ёш истеъдод эгалари кашф этилди.

Биргина мисол: 2008 йилда Тошкентда ўтказилган 42-халқаро Менделеев олимпиадасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган 15 нафар ўқувчидан 13 нафари ғолиблик шоҳсупасига кўтарилиб, умумжамоа ҳисобида мутлақ ғолибликни қўлга киритди. Бу каби оламшумул ютуқлар замирида Юртбошимизнинг «Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим», деган буюк мақсади, юксак орзулари мужассамдир.

Билдирилган бу каби юксак ишонч ва кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрликлар ёшларимиз қалбида, шуурида бир умрга муҳрланиб қолиши табиий, албатта. Ўтаётган Ёшлар йилининг ўзига хос сарҳисоби бўлади ҳали, бу борада мутасаддилар ўз хулосасини айтади.

Таҳририятимиз ушбу йилда амалга оширилган беқиёс ишларнинг айрим жиҳатларини, хусусан, ижтимоий масалалар билан боғлиқ томонларини ўрганишга ҳаракат қилди.

КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

АНДИЖОНДА «ЁШЛАР МАРКАЗИ»

Пешона тери ва қаттиқ меҳнат эвазига топилган ҳалол маблағ ҳисобига хайрли ишлар қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Мустақиллик йилларида **«Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар куни қилиш керак, савоб ишни беминнат қилиш керак»,** деган иборага амал қилаётган юртдошларимиз сафи эса бугун тобора кенгаётгани кишида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади. Андижонлик тадбиркор Нурилло Раҳматуллаев 8 млрд. сўмдан зиёд маблағ сарфлаб, шаҳар ҳудудидаги эски марказий универмаг биноси ўрнида муҳташам «Ёшлар маркази»ни барпо этди. Бу эса Ёшлар йилида вилоятда қўл урилган катта ишлардан бири бўлди. Бугун бу марказда 2500 нафардан зиёд ўғил-қиз бир вақтнинг ўзида 27 турдаги спорт секциялари ва тўгаракларда шуғулланиш имкониятига эга.

2008 йил вилоятда 2 та янги мактаб қурилди, 31 та мактаб капитал реконструкция, 96 та илм маскани капитал ва 15 та мактаб жорий таъмирланди. Бунинг учун 19 млрд. 831,5 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Шунингдек, Андижонда 1 та янги академик лицей, 10 та касб-ҳунар коллежи қад ростлади.

Ўзгаларнинг эътиборига муҳтож 126 нафар ота-онасиз болаларни оила шароитида тарбия олишлари учун вилоят марказида «Болалар шаҳарчаси» ташкил этилди. 5,5 гектар майдондан иборат ушбу шаҳарчада қисқа муддат ичида 16 та уй ва бошқа иншоотлар барпо этилди.

Вилоятда жорий йилда 3352 нафар олий ўқув юртлари ва 21033 нафар коллеж битирувчиси иш билан таъминланди. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган 876 нафар йигит ишга жойлаштирилди, 237 нафари эса олий ўқув юртларига ўқишга кирди. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда 81 марта «Бўш иш ўринлари» ярмаркаси ўтказилди. Андижонлик 422 нафар коллеж битирувчисига мустақил фаолият бошлаши учун 605,9 млн. сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Хозирда вилоятда ёш оилалар учун 4 та 32 хонадонли уй қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Ушбу мақсадлар учун АТИБ «Ипотекабанк» томонидан 1 млрд. 604,9 млн. сўм, ТИФ «Миллий банк»дан 2 млрд. 291 млн. сўм, «Саноатқурилишбанк»дан 391,7 млн. сўм, АТ «Ҳамкорбанк»нинг Асака филиалидан 500,0 млн. сўм, «Халқ банки»нинг Хонобод филиалидан 450,0 млн. сўм кредит шартномаси бўйича маблағлар молиялаштирилди. Шунингдек, 943 та ёш оилага 2 млрд. 744,5 млн. сўм миқдорида истеъмол кредити берилди. Олий ўқув юртларида шартнома асосида таҳсил олаётган 42 нафар кам таъминланган оилалар фарзандлари таълим кредити билан таъминланди.

БУХОРОЛИК МУАЛЛИМЛАРГА ЭЪТИБОР

Миллатга эҳтиром — муаллимга эҳтиромдан бошланади. Бу ҳақиқатни юракдан ҳис этган бухороликлар Ёшлар йилида ўта савобли ишга қўл урдилар. Вилоятнинг турли туманларида фаолият кўрсатаётган 205 нафар ёш ўқитувчи оилаларига уй-жой қуриш учун ер майдонлари ажратилди. Шунингдек, 132 та ёш оила 2898,6 млн. сўмлик ипотека, 553 та ёш оила 2217, 3 млн. сўмлик истеъмол, 851 та ёш оила 1310,6 млн. сўмлик микрокредитлар билан таъминланди.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ, бу йил вилоятда 2 та умумтаълим мактаби янгидан барпо этилди. 20 та мактабда капитал реконструкция, 25 та мактабда эса капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Умумтаълим мактабларида 8 та янги спорт заллари қурилди. Шу билан бирга, 1 та академик лицей ва 8 та касб-ҳунар коллежи вилоят ўқувчилари ихтиёрига топширилди.

Юртимизнинг ҳар бир вилоятида бўлгани каби Бухорода ҳам ёшларни иш билан таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. 2008 йилнинг 11 ойи давомида жами 53356 та янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, касб-ҳунар коллежларида 22 марта меҳнат ярмаркалари ташкил этилди. Натижада 1764 нафар ёш доимий иш билан таъминланди, 12 нафари касб тайёргарлигига юборилди, 34 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди.

ХОРАЗМДА БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ УЙИ

Мамлакатимиз раҳбари ўз чиқишларидан бирида: **«Биз ўз истеъдодли фарзандларимиз билан, уларнинг жаҳон спорт майдонлари, халқаро фан олимпиадалари, маданият ва санъат оламида эришаётган катта ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланамиз»,** деган эди. Аслида ҳам жаҳон шоҳсупаларига йўл — қишлоқдаги спорт майдонларидан бошланишини ҳеч ким инкор эта олмайди. Ёшлар йилида Урганч туманидаги Чолиш посёлкасида муҳташам спорт мажмуаси қуриб, фойдаланишга топширилгани вилоятда соғлом ва баркамол ёшларни тарбиялаш йўлида қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди. Ўтаётган йилда хоразмлик 23 нафар йигит-қиз қитъа ва жаҳон чемпионатларида муваффақиятли иштирок этиб қайтишди.

«Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир» шиорига амалий жавоб сифатида вилоятда жорий йилда 1 та янги мактаб қурилди, 31 та мактаб капитал реконструкция, 45 та билим даргоҳи капитал, 18 та мактаб эса жорий таъмирланди. Бу ишларга 27027,9 млн. сўм миқдорида маблағ сарфланди. Шуни мамнуният билан айтиш жоизки, жойларда янги замон илм масканлари барпо этиш ишларига ҳам алоҳида масъулият билан ёндашилмоқда. Ушбу йилда Хоразмда 11 та касб-ҳунар коллежи, 1 та академик лицей илм, ҳунар эгаллаш истагидаги ёшларга туҳфа этилди.

Бугун Урганчга ташриф буюрганлар шаҳарда қад ростлаган «Болалар ижодиёти маркази»ни кўриб, ҳайратланишлари табиий.

Ҳамма замонларда ҳам ёшларни иш билан таъминлаш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланган. Шуни инобатга олиб, жорий йилнинг 11 ойида 14588 нафар коллеж, 101 нафар академик лицей ва 1211 нафар олий ўқув юртлари битирувчилари ҳамда 1800 нафар муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар ишга жойлаштирилди.

Ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун 141 ёш оилага 3405,5 млн. сўм, яъни кўзда тутилганидан анча кўп миқдорда имтиёзли ипотека, 976 та ёш оилага 2338,2 млн. сўм истеъмол кредитлари ажратилди.

ҚАШҚАДАРЁДА 19 ТА ЯНГИ МАКТАБ

Ўтаётган йил вилоятда мактаб таълимини ривожлантириш борасида туб бурилиш даври бўлди. Жумладан, жорий йилда 19 та янги мактаб қурилган бўлса, 47 та таълим даргоҳида капитал реконструкция, 75 та мактабда капитал ва 58 та илм масканида жорий таъмирлаш амалга оширилди. 203 та мактаб 7196,5 млн. сўмлик мебель, замонавий ўқув асбоб-ускуналари ва спорт анжомлари билан таъминланди. 2008 йилги қурилишларнинг манзилли рўйхатига киритилган 12570 ўқувчи ўринли 17 та касб-ҳунар коллежи ўз вақтида фойдаланишга топширилди. Бу ишларга 36550,0 млн. сўм маблағ сарфланди. Бугунги кунда вилоятда 9 та ёшлар маркази ташкил этилган. Қатор спорт иншоотлари яратилди.

Қашқадарёда ўрта махсус ўқув юртлари битирувчилари, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни тугатган 18743 нафар ёшлар иш билан таъминланди.

Ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, хусусан улар учун уй-жой қуриш, ижтимоий, маиший турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадида 6153 нафар ёш оилага 9663,2 млн. сўм миқдорида имтиёзли, 371 нафар ёш оилага уй-жой қуриш учун 4628,3 млн. сўм ипотека, 4015 нафар ёш оилаларга 4277,9 млн. сўм миқдорида истеъмол кредитлари берилди.

САМАРҚАНДДА 17 ТА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

Вилоятда жорий йилда 6 та янги мактаб қурилди, 69 та таълим даргоҳида капитал реконструкция, 47 та мактабда капитал, 72 та илм масканида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Болалар спорти комплексларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида умумтаълим мактабларида 34 та спорт иншооти ва заллари қурилди. Шунингдек, 17 та касб-ҳунар коллежи, 1 та академик лицей янгидан барпо этилди.

Россиянинг Екатеринбург шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари медицина институтлари талабалари халқаро конференциясида Самарқанд медицина институти ёшлари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаб, олтин медалга сазовор бўлишди.

Самарқандда барча манбалар ҳисобидан ёшлар учун 48,8 мингта янги иш ўринлари яратилди. 2008 йилнинг 11 ойи давомида 64 марта ихтисослаштирилган иш ўринлари ярмаркалари ташкил этди. Уларда 37311 нафар йигит-қиз иштирок этиб, ишга жойлашиш учун йўлланмалар олди. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган жами 2647 нафар йигитлардан 57 нафари олий ўқув юртларига ўқишга кирган бўлса, қолганлари иш билан таъминланди.

Ёш оилалар моддий таъминотини янада яхшилаш мақсадида 48 та оилага уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун 961,5 млн. сўм ипотека, 1448 та ёш оилага 2691,8 млн. сўм истеъмол, 894 та ёш оилага қорамол сотиб олиш учун 1891,2 млн. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Бугина эмас, вилоятда ҳомийлар кўмагида 945 та ёш оилага бепул соғин сигир берилди. Қишлоқ жойларида якка тартибда уй-жой қуриш учун 130 нафар ёш ўқитувчи оилаларига ер участкалари ажратилди.

СИРДАРЁ: МАҲАЛЛАДА БУНЁДКОРЛИК

«Ёшлар йили» Давлат дастури ижроси бўйича Сайхунобод тумани «Ёшлар» маҳалласида қурилиши тугалланмай қолган 32 хонадонли тўрт қаватли уйни қайта таъмирлаш учун вилоят маҳаллий бюджетидан 329 млн. сўм маблағ ажратилган. Сирдарёлик 112 та ёш оилага уй-жой қуриш ва сотиб олиш учун 2393,6 млн. сўмлик ипотека, 784 та ёш оилага эса 1820,5 млн. сўмлик истеъмол кредитлари ажратилди.

Сирдарёда жорий йилда 2 та янги мактаб биноси қуриб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 21 та мактабда капитал реконструкция, 18 та таълим муассасасида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Гулистон шаҳридаги Меҳрибонлик уйи қурилиши учун 2969,6 млн. сўм маблағ ажратилган бўлиб, 1 декабрь ҳолатига кўра, 2628,6 млн. сўм капитал қўйилма ўзлаштирилган. 5 млрд. 691,943 млн. сўм миқдорида маблағ сарфланиб, 4 та касб-ҳунар коллежи қуриб, фойдаланишга топширилди.

Ўтган давр мобайнида 24 маротаба бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилган бўлса, улардан 18 таси бевосита касб-ҳунар коллежлари базасида ихтисослаштирилган тарзда ташкил этилди. Ушбу ярмаркаларда иштирок этган 1226 нафар ёшлар ишга жойлаштирилди. Шунингдек, ҳарбий хизматдан қайтган 299 нафар йигитдан 150 нафари иш билан таъминланди, қолганлари эса олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришмоқда.

ЖИЗЗАХДА «ЁШЛАР ШАҲАРЧАСИ»

Жиззах шаҳри марказида қурилган «Ёшлар шаҳарчаси» вилоят ёшларига туҳфа этилган энг йирик маданий иншоот бўлди. Бу ерда қад ростлаган замонавий маданият ва спорт, бадиий гимнастика мажмуалари ҳамда бахт уйи биноси ёшлар кўнглидаги масканга айланди, десак муболаға бўлмайди.

Вилоятда қурилган 5 та янги мактаб, капитал реконструкция қилинган, капитал ва жорий таъмирланган 118 та замонавий илм масканларида ўғил-қизлар чуқур таълим-тарбия олишлари учун барча зарур шароитлар яратилган. 9 та касб-ҳунар коллежи ва 2 та академик лицей қурилиши учун эса 20 млрд. 764 млн. сўм маблағ ажратилди.

Ёшларни иш билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, жорий йилда 12693 нафар ёш учун доимий иш ўринлари яратилди. Ҳарбий хизматдан қайтган 571 нафар йигит ишга жойлаштирилди. Вилоятда оммавий спортни ривожлантириш мақсадида чекка ҳудудлардаги умумтаълим мактабларининг 16 та спорт мажмуалари қайта таъмирланди, 3 тасида янги спорт майдони барпо этилди. Шунингдек, вилоят марказида қад ростлаган «Болалар ижодиёти маркази»да 34 та турли тўгараклар фаолияти йўлга қўйилди.

Ёш оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг уй-жой шароитини янада яхшилаш мақсадида шаҳар ва туманларда яшовчи 58 нафар ёш оилага уй қуриш ва таъмирлаш учун 1225,3 млн. сўм имтиёзли ипотека, 611 нафар ёш оилага истеъмол кредитлари ажратилди. Жиззах шаҳрида ёш оилалар учун тўрт қаватли ҳар бири 32 хонадондан иборат иккита уй қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

НАВОИЙДА ИШ ЎРИНЛАРИ

Мамлакатимизнинг йирик саноат марказларидан бири бўлган Навоий вилоятида 25 та умумтаълим мактабда капитал реконструкция, 27 та илм масканида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, Навоий шаҳридаги Умид қўрғонида янги мактаб биноси қад ростлади. Жорий йилда вилоят ёшлари учун 8 та касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди.

Навоийнинг барча шаҳар ва туманларида ўтган вақт мобайнида 10 маротаба бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилиб, уларда 5012 нафар ёш мутахассисларга ишлаш учун йўлланма берилди.

Ёш оилаларни уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсадида вилоятда бир қатор ижобий ишлар йўлга қўйилган. Жумладан, 195 нафар ёш оилага 3443,0 млн. сўм ипотека, 676 оилага 2000,0 млн. сўм истеъмол, 246 нафарига 903,5 млн. сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Шунингдек, қишлоқ жойларида якка тартибда уй-жой қуриш учун 83 та ёш ўқитувчи оилаларига ер участкаси берилди. Бугина эмас, Навоий шаҳрида ёшларга 48 ва 40 хонадонли иккита кўп қаватли уй қурилиши ниҳоясига етказилди.

Кончилар шаҳри бўлган Зарафшонда эса ишчилар ётоқхонаси 32 хонадонли иккита кўп қаватли турар-жойга мослаштирилмоқда. Мазкур объектларни реконструкция қилиш ишларига 1146,4 млн. сўм миқдорида маблағ сарфланди.

ТОШКЕНТ: ЯНГИ УЙЛАР

Келгуси йили ўзининг қутлуғ 2200 йиллик ёшини нишонлашга ҳозирлик кўраётган пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ёш оилалар учун ҳар бири 32 хонадонли 23 та кўп қаватли уй қуриш ишлари олиб борилди. Жорий йилнинг ноябрь ойига қадар 25 млрд. 980 млн. сўм тижорат банклари, Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари жалб этилди. Бу ишлар Тошкентнинг 9 та туманида амалга оширилди. Ёш оилалардан 131 нафарига уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун 23350 млн. сўм миқдорида ипотека, 5800,0 млн. сўм миқдорида истеъмол кредитлари, якка тартибда уй қуриш учун 19 нафар ёш ўқитувчи оилаларига ер участкалари ажратилди.

Таълим тизимидаги ислоҳотларнинг бевосита давоми сифатида жорий йилда 7 та касб-ҳунар коллежи, 6 та академик лицей ёшларимиз ихтиёрига топширилди. Бугина эмас, 1 та умумтаълим мактаби янгидан қурилган бўлса, 4 та мактаб капитал реконструкция, 26 та илм маскани капитал таъмирдан чиқарилди. 6 та спорт комплекси, 3 та сузиш ҳавзаси қурилди.

Шаҳар туманларида олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини жалб этган ҳолда 61 марта ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Ўтаётган йилнинг 11 ойи давомида пойтахтлик ёшлар учун 37111 та иш ўринлари, шунингдек, янги объектлар, корхоналарни қайта қуриш, модернизация қилиш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига 3126 та иш ўринлари яратилди. Бу дозарб вазифани янги-янги ечимларини топиш мақсадида шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси қошидаги касбга йўналтириш ва қайта тайёрлаш ўқув маркази томонидан йил бошидан буён 4254 нафар ёш турли касб йўналишлари бўйича қайта тайёрланди.

СУРХОНДАРЁДА КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАР

Мамлакатимизнинг жанубий вилояти ҳисобланган Сурхондарёда «Ёшлар йили» Давлат дастури ижроси юзасидан амалга оширилган кенг кўламли ишларни қуйидаги рақамлар ҳам кўрсатиб турибди. Яъни, дастурда белгиланган вазифалар ижроси учун ўтган ўн бир ой давомида жами 91 млрд. 741 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфланган.

Жорий йилда вилоятда 4 та янги мактаб қуриб, фойдаланишга топширилган бўлса, капитал реконструкция қилинган, капитал ва жорий таъмирланган яна 177 та мактаб ўз ўқувчиларини бағрига олди. Касб-ҳунар таълимини янада ривожлантириш мақсадида ушбу йилда вилоятда 1 та академик лицей ва 11 та коллеж биноси қуриб битказилди.

Ёшларни доимий иш ўринлари билан таъминлаш масаласи ҳамиша долзарблик касб этади. Ушбу йўналишда вилоятда 24 марта ихтисослаштирилган иш ўринлари ярмаркаси ташкил қилинган. Ҳудуддаги 65 та коллежни тамомлаган 15114 нафар ёшлар иш билан таъминланган. Бундан ташқари, шаҳар ва қишлоқларда яшайдиган 379 нафар коллеж битирувчиларига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ўз ишини ташкил этиши учун 350,2 млн. сўм микрокредитлар ажратилган.

Ёш оилаларни турар-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида Термиз шаҳрида иккита 32 хонадонли, тўрт қаватли уй қурилиши якунланиб, ҳозирда сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Ёш ўқитувчиларни маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилиб, улардан юзга яқинига ер участкалари берилди. Шунингдек, 113 та ёш оилага 2328,7 млн. сўм ипотека, 463 та ёш оилага истеъмол, 1384 та ёш оилага микрокредитлар ажратилди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН: НУКУСДА САНЪАТ ДАРГОҲИ

«Баркамол авлод-2008» спорт ўйинларига мезбонлик қилган қорақалпоғистонлик санъатсевар ўғил-қизлар учун жуда катта имконият яратилди: Президентимиз қарори билан Ўзбекистон давлат санъат институтининг Нукус филали ташкил этилди. Бугунги кунда бу даргоҳда 25 нафар йигит-қиз таҳсил олмоқда.

«Мактабга эътибор — келажакка эътибор» шиори остида 4 та янги мактаб қурилди, 59 та мактабда капитал реконструкция, 46 та мактабда мукаммал, 31 та таълим масканида эса жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бундан ташқари, республика умумтаълим мактабларида 22 та спорт иншооти барпо этилди. Шунингдек, 14 та касб-ҳунар коллежи ва 1 та академик лицей билимга ташна ўқувчилар ихтиёрига топширилди.

Ёшларнинг уй-жой шароитини янада яхшилашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Худди шу мақсадда Тахиатош шаҳрида 32 хонадонли 1 та кўп қаватли уй қуриб битказилди. Нукус шаҳридаги 2 та кўп қаватли уй яқин кунлар ичида ўз эгаларига топширилади. Бундан ташқари, ёш оилалар уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун 2220,3 млн. сўмлик ипотека, 1915,5 млн. сўмлик истеъмол, қорамол сотиб олиш учун 252 та ёш оилага 338,2 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

Шу ўринда яна бир хайрли иш ҳақида тўхталишни лозим топдик. Хўжайлидаги Меҳрибонлик уйида тарбияланиб, айни пайтда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган 9 нафар йигит-қизга Нукусдаги кўп қаватли уйдан 5 та хонадон ажратилди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА МОДДИЙ ЁРДАМ

Бугун вилоятда 2,5 миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шундан қарийб 59 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Бу йил вилоятда таълим-тарбия ишларига алоҳида эътибор қаратилиб, 8 та янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди. 130 дан ортиғи эса капитал таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, мактабларда 15 та болалар спорт зали барпо этилди.

Ёшлар йилида йигит-қизларни иш билан таъминлаш масаласида ҳам ижобий ўзгаришлар юз берди. Мавжуд 98 та касб-ҳунар коллежи ва 5 та академик лицейни 2007-2008 ўқув йилида тамомлаган 13,1 минг нафар йигит-қиз доимий иш билан таъминланди. Шунингдек, ҳарбий хизматни ўтаган 1255 нафар йигит ҳам ўзларининг муқим иш жойларига эга бўлишди. Вилоят касаба уюшмалари томонидан 130 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига 11,5 миллион сўмлик стипендия ва 29,7 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Вилоятда ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ва маънавий жиҳатдан кўмак бериш масаласи ҳам ҳамиша эътибор марказида бўлиб келмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 10 ойи давомида 423 ёш оилага 5,611 млн. сўмлик ипотека, 1203 ёш оилага 2,570 млн. сўмлик истеъмол, 722 ёш оилага 1,968 млн. сўмлик микрокредитлар ажратилди.

Олмалиқ шаҳридаги 2 та ётоқхонада 1,2 млрд. сўмлик қайта таъмирлаш ишлари олиб борилиб, 50 та ёш оилага турар-жой сифатида берилди. Шунингдек, Ангрен, Чирчиқ, Оҳангарон шаҳарларида ҳам ёш оилаларга уй-жой қуриш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Мазкур бунёдкорлик ишлари йил охирига қадар ўз якунига етади.

ФАРҒОНАДА ЁШ ОИЛАЛАРГА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР

Мамлакатимизнинг гавҳар водийси бўлмиш Фарғона вилоятида 12 та янги касб-ҳунар коллежи қурилиб, 2 та ҳунар даргоҳи капитал реконструкция қилинди. Ушбу мақсадлар учун 28628,9 млн. сўмлик бюджет маблағлари сарфланган. Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида 53 та мактаб капитал реконструкция қилинган, 79 та умумтаълим мактаби эса капитал таъмирланган. Вилоятда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан жами 10 та болалар спорти объектлари қурилди. Бу мақсадлар учун 1205,9 млн. сўмлик маблағ ажратилди.

Жорий ўқув йилида вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув даргоҳларини жами 23 минг 686 нафар талаба тамомлаган бўлса, уларнинг 21631 нафари доимий иш билан таъминланган. Шунингдек, ҳарбий хизматни ўтаган 1026 нафар йигит турли ишларга жалб этилган.

Президентимизнинг ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир Фармонига асосан жорий йилнинг 10 ойи давомида вилоят тижорат банклари томонидан ёш оилаларга жами 9 млрд. 25 млн. сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилган. Шунингдек, Фарғона, Қўқон ва Марғилон шаҳарларида ёш оилаларга турар-жой бинолари қуриш йўлга қўйилди. Тижорат банклари томонидан мазкур қурилишларга бугунги кунга қадар 2 млрд. 871 млн. сўмдан зиёд кредит маблағлари йўналтирилди.

НАМАНГАНДА «ЁШЛАР БОҒИ»

Наманган қадим-қадимдан ўзининг анвойи гуллари ва кўркам боғлари билан машҳур. Ана шу анъана Ёшлар йилида ҳам давом эттирилиб, вилоят марказидаги Наманган муҳандислик-педагогика институтида 8,5, Норин туманида 2 гектар майдонда «Ёшлар боғи» ташкил этилди.

Вилоятда ёшларга маънавий, ҳуқуқий ва тиббий жиҳатдан йўл-йўриқ кўрсатиш мақсадида «Болалар ижодиёти маркази», «Ёш оила» (Наманган шаҳрида), «Оила маркази» (Поп тумани) фаолияти йўлга қўйилди. Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ, бу йил 42 та мактабда капитал реконструкция, 79 та мактабда капитал, 19 та мактабда жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бу йил қурилган 1 та академик лицей ва 10 та касб-ҳунар коллежларида эса ёш йигит-қизлар замонавий касб-ҳунар, илм-фан сирларини ўрганишмоқда.

Шунингдек, Косонсой туманида 200 млн. сўм маблағ ҳисобига Ёшлар спорт комплекси, 49-мактабда спорт зали барпо этилди. Наманган шаҳридаги 14-, Норин туманидаги 20-, Мингбулоқдаги 2-, Чустдаги 43-мактабларда ҳам спорт заллари фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, Тўрақўрғондаги 33-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ва Наманган шаҳридаги «Паҳлавон» спорт саройида реконструкция ишлари олиб борилди.

Ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоят банклари томонидан 180 та ёш оилага уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун 3 млрд. сўмдан зиёд ипотека, маиший турмуш шароитини яхшилаш мақсадида 945 та ёш оилага 3 млрд. 759 млн. сўмлик истеъмол, 859 тасига эса имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Наманган шаҳрида эса 32 хонадонли 2 та кўп қаватли уй-жой қурилди.

ТАҲРИРИЯТДАН: **«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида, айниқса, аҳолининг кам таъминланган, кўмак ва ёрдамга муҳтож қатламларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида қилинган савобли ишлар мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга асосланган бозор иқтисодиёти сиёсати изчиллик билан амалга оширилаётганлигининг ёрқин намунасидир.**

Эрта-индин халқимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 16 йиллигини нишонлайди. Ёшлар йилида бажарилган хайрли ишлар, фарзандларимиз учун яратилган қулай шароитлар, кенг имкониятлар Бош қомусимизда кафолатланган инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларининг ёрқин ифодасидир.

Саҳифа материалларини ***Фарруҳ ҲАМРОЕВ, Маъмуржон МАҲМУД тайёрлади.***

ДЎППИ ТИКДИМ, ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН...

✓ Қадрият

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил қилинган «Дўппи тикдим, ипаклари тиллодан» республика кўрик-танловининг асосий мақсади халқимизнинг юксак маънавий қадриятларидан бири — дўппидўзлик, каштадўзлик санъатини янада ривожлантириш, устоз-шогирд муносабатлари орқали бу қадимий ҳунар эгаларига эътибор қаратиб, улар меҳнатини рағбатлантириш, ёшлар истеъдодини намойиш қилиш ва янги иш ўринларини яратишдан иборат эди. Кўрик-танловнинг республика босқичи 1-Тошкент педагогика коллежида дўппилар кўргазмаси билан бошланди.

Наманганлик Ҳалима Қосимова ва унинг ўнлаб шогирдлари тиккан дўппилар қанча-қанча одамларни ёзнинг иссиғидан, қишнинг совуғидан асрайди. Муҳими, бу дўппиларни кийган киши ўзини «мен ўзбекман» деб таништиришига ҳожат йўқ.

Опанинг хусусий корхонаси юзга яқин касаначи аёлларни керакли хом ашё билан таъминлайди. Айни кунда чевар дўппидўздан йигирмага яқин қизлар ҳунар ўрганяпти. Кўп йиллик меҳнатлари, халқ амалий санъатига қўшган ривожи учун Ҳалима Қосимова «Шуҳрат» медали билан тақдирланган.

Лола Нажмиддинова Бойсун туманидан, дўппидўзлар оиласига келин бўлиб тушган. Дўппи, кашта тикиш сирларини қайнонасидан ўрганган бўлса, ҳозир ўзи қизларига, шогирдларига устозлик қиляпти. Қайнонасининг бир неча авлоди дўппидўзлик қилишган. Лола кўргазмага сулоланинг энг қадрли меросини — момоси тиккан «тўлдирма» дўппини ҳам олиб келибди. Дўппининг «ёши» — бир асрдан ошган.

— Ипаги, рангларига қаранг, асил ҳолатини йўқотмаган, — дейди Лола. — Унда миллий ҳунаримиз рамзини кўраман.

— Қорақалпоқ қизлари тўйларида момолари кийган кийимларни кийишга ҳавасманд бўлиб қолишди, — дейди кўрик-танловнинг яна бир иштирокчиси — қорақалпоғистонлик Гулистон Давлетиярова ва ёнидаги келинчак либосидаги қизни кўрсатади. Қорақалпоқ халқининг эпик қаҳрамони — Гулойимнинг жангу жадалларда кийган бош кийими — «саукеле» билан каштали «киймешек», елкасидаги ёпинчиқ — «жегде» ўзига ғоят ярашган бу қиз қорақалпоқлик йигитга жилмайиб қарайди.

Дарвоқе, Гулистон раққоса ва хонандалар учун миллий-этнографик кийимлар тайёрлаб берувчи «Айзада» фирмасида ишлайди. Шундай малакали ҳунарманд бўлишига қарамай... қизи Мейригулдан анча нарсаларни ўрганди. Гап шундаки, Мейригул Қорақалпоғистон рассомчилик ва халқ амалий санъати интернат-лицейида таълим оляпти.

— Шундай ўқув масканларида фарзандларимиз маҳоратли, тажрибали устозларидан қадимий халқ амалий санъати турларини ўрганаётгани ғоят қувонарли, — дейди Гулистон.

Сирасини айтганда ўша куни дўппи ва каштадўзлик буюмлари фақат кўргазма экспонати сифатидагина эмас, танлов иштирокчилари, ташаббускорлари ва ҳатто томошабинларининг эгнида ҳам кўз қамаштириб турди.

Дўппилар турининг эса саноғи йўқ — андижонча қалампирнусха, наманганнинг ироқиси, сурхондарёнинг тўлдирма ва лолагул дўппилари, хоразмнинг қасма ва манотли тахяси...

Даъвогарлар кўргазмадан кейин саҳнада ўз билим ва маҳоратларини намойиш этишгач, ғолиблар аниқланди. Олий мукофот тошкентлик устоз-шогирдлар Доно Азимова ва Мафтуна Акрамовага насиб этди.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллиги барчамизга муборак бўлсин!

«ТОШКЕНТДОНМАҲСУЛОТ» очиқ акциядорлик жамияти

Конституция — инсон, жамият ва давлат манфаатлари устуворлигини таъминловчи Бош Қонунимиз, бахтимиз қомусидир!

Табрик

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Musliddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1149
7800 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqti — 01.00
1 2 3 4 5 6 7
Sotuvda erkin narxda

✓ Биз билган, билмаган тарих

БУЮК ХИТОЙ ДЕВОРИНИ КИМ ЎЛЧАГАН?

Яқинда бирга ўқийдиган дўстим Шоҳмалик билан жаҳоннинг етти мўъжизаларидан бири бўлган Буюк Хитой девори ҳақида баҳслашиб қолдик. Унинг девор қурилиши ва ўлчамлари ҳақидаги саволларига 6-синф «Тарих» дарслиги маълумотлари асосида жавоб қайтардим: «Буюк Хитой девори қурилиши Цин Шихуанди (милоддан аввалги 246-210 йиллар) ҳукмронлиги даврида бошлаб юборилди. Деворнинг баландлиги 12 метр, кенглиги 5 метр, узунлиги эса қарийб 4000 километрни ташкил этади».

Шоҳмалик жавобимдан қаноатланмади. «Бу жавоб билан олий ўқув юртига киришда панд ейсан», деди ва менга «Жаҳон тарихи. Олий ўқув юртига кирувчилар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун қисқача маълумотнома» (Тошкент. «Вектор-Пресс» нашриёти, 2007 йил) тўпламини кўрсатди. Маълумотноманинг 63-бетида «Буюк Хитой девори: қурилиш милоддан аввалги IV асрда Цин Шихуанди даврида деворнинг тикланиши бошланди. Деворнинг узунлиги 5-6 минг км., баландлиги 10 метрдан юқори. Кенглиги — 5,5-7 м. (бешта суворий бемалол ўтади). Ҳар 60-100 м. дан сўнг — қалъалар. Бу девор 2400-2200 йил олдин қурилган», деб ёзилган экан.

Ўйланиб қолдик, бу маълумотларнинг қай бири тўғри? Дарсликдан («Тарих» дарслиги. Муаллифлари: А.Сагдуллаев ва В.Костецкий. 2005 йил, тўлдирилган 3-нашр) олган маълумотларимиз тўпламдаги маълумотларга тўғри келмаяпти. Ўқитувчимиз, «дарсликка амал қилган маъқул», дедилар. Лекин, дўстим айтганидай, тест саволларида дарсликдаги эмас, бошқа китоблардаги далиллар инобатга олинадиган бўлса-чи?

Бу маълумотларни таққослаш мақсадида қомус ва луғатларни қараб чиқдим. 1963 йилда нашр этилган 2 жилдлик «Энциклопедический словарь»нинг 175-бетида Буюк Хитой девори ҳақида, «узунлиги 4 — 5 минг км., баландлиги 6,6 м. девор милодга қадар бўлган III асрда Цин Шихуанди даврида қурилган», дейилади. Тошкентда 1988 йилда босилган 2 жилдлик «Энциклопедик луғат»ни ҳам варақладим. Китобнинг I жилди, 136-саҳифасида бу хусусда: «Буюк Хитой девори (Садди Чиний). Узунлиги баъзи тахминларга кўра, 4 минг км. га яқин, бошқа бир тахминларга кўра 5 минг км. дан ортиқ. Баландлиги 6,6 м., айрим жойларда 10 м. гача. Асосан, милоддан аввалги III асрда қурилган», деган сўзларни ўқидим. Рус ва ўзбекча қомусий луғатлар маълумотларида тафовут йўқ ҳисоби.

Бир мавзу тўғрисидаги далилларнинг «ранг-баранглиги» ҳайратимни янада оширди. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг 2-жилдини (2001 йил) қўлга олдим. Мазкур жилднинг 323-саҳифасида «Буюк Хитой девори» сарлавҳаси остида шундай маълумот берилади: «Қалъа девори сифатида дастлабки қисми милоддан аввалги 4-3-асрларда қурилган... узунлиги 5000 км.га яқин. Баландлиги 6,6 м. (шинакларининг деворлари билан 8-10 метргача). Кенглиги — асосида 6,5 м. дан юқорисида 5 м. гача...»

Шу йил Москвада нашр этилган «Жаҳон мўъжизалари» деган китоб ҳам қўлимга тушиб қолди. Унинг 232-саҳифасида «Жаҳоннинг энг буюк мўъжизаси» деб улуғланган Хитой девори борасида анча тўлиқ маълумот жамланган экан: «Девор 2700 км.га чўзилиб борган, унинг ҳамма тармоқларини ҳисобга олинса, умумий узунлиги 6000 км бўлади. Деворнинг баландлиги 15 м. ни ташкил этади, кенглиги эса 5,5 м. гача боради. Деворни қуриш милодга қадар бўлган IV — III асрларда бошланган. Бу ишга император Цин Шихуанди (милодгача бўлган 246 йилда тахтга чиққан) даврида жиддий равишда киришилган».

Хуллас, Буюк Хитой девори ҳақидаги баҳсимизда дўстим билан бир тўхтамга кела олмадик. Мактаб дарслиги ва китоблардаги маълумотларнинг ҳар хиллиги, айниқса, тестда келадиган шу саволга юқоридаги маълумотлардан қайси бири аниқ жавоб тариқасида танланиши кераклиги бизни ўйлантириб қўйди. Маълумотларнинг ҳар хиллиги, бунинг устига бир-бирига зидлиги яна бир савол туғилишига сабаб бўлди: Буюк Хитой деворини ўзи ким ўлчаган? Нега бу ҳақда на дарсликда, на луғатларда Хитой манбалари тилга олинмайди?

Тарихий воқеаларни аниқ бериш қийинлигини устозларимиз тушунтиришган. Лекин, Буюк Хитой деворининг ҳозирда ҳам мавжудлиги бор ҳақиқат-ку! Қачондир ёзилган маълумотларни у китобдан бу китобга ўтказиш, девор узунлигини бир ўринда 4000, бошқа бир жойда 5000, яна бир китобда 6000 км. дейишни қандай тушуниш керак?!

Буюк Хитой девори ҳақидаги маълумотларга зукко тарихчиларимиз аниқлик киритишса, яхши бўлар эди.

Темурбек ПОЁНОВ,
Қарши шаҳридаги «Нуристон» академик лицейининг 1-босқич талабаси, «Келажак овози» танловининг вилоят босқичи ғолиби.

Каттақўрғон туман тиббиёт бирлашмаси маъмурияти Болалар поликлиникаси мудири Юлдуз Холовага отаси **Муҳаммадбақо ХОЛОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Долзарб мавзу!

ЎЗ МАҲСУЛОТИМИЗ АВВАЛО ЎЗИМИЗГА КЕРАК

Унинг четга ноқонуний йўллар билан чиқиб кетишига йўл қўймаслик — барчамизнинг бурчимиз.

Заминимизда етиштирилган сархил мевалару, турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб ҳар қачонгидек бугун ҳам юқори. Дастурхонларимиз кўркини, хилма хил таомларимизни уларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шукрки, бозорларимиз ҳам, махсус дўконларимиз ҳам бу неъматларга тўла. Хурмою олма, узуму анор, қўйингки, барча ноз-неъматларни кўриб, юртимизнинг қўли гул деҳқон-миришкорларига таҳсинлар айтгингиз келади.

Айнан уларнинг пешона тери эвазига етиштирилган маҳсулотлар юртдошларимиз дастурхонини тўкин, турмушини янада фаровон қилмоқда.

Афсуски, ўроқда йўқ, бошоқда йўқ айрим «учар» тадбиркорлар халқимиз ризқига хиёнат қилиб, юртимизда етиштирилган сара маҳсулотларни четга ноқонуний равишда олиб ўтиб, мўмай даромад орттиришга уринмоқдалар. Ваҳоланки, бугун республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун ҳам барча қонуний имконият ва шарт-шароитлар яратиб берилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 8 майдаги «2008 йилда мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узум ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида мазкур маҳсулотларнинг экспорти — мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик шахслар томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Шу боис, қонунга зид бундай хатти-ҳаракатларга республикамиз божхоначилари томонидан ўз вақтида чек қўйилмоқда ва ноз-неъматлар эл дастурхонига қайтарилмоқда.

Шу ўринда айрим рақамларга мурожаат қилайлик, жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ноқонуний равишда олиб ўтиш билан боғлиқ 2150 га яқин ҳолат аниқланди. Натижада жами 3,5 минг тоннадан ортиқ (қиймати 2,5 млрд. сўмлик) маҳсулотлар юртимизда олиб қолинди.

Наманган вилояти Янгиқўрғон туманида истиқомат қилувчи Ю.Иминжонов 10 тоннадан ортиқ хурмони божхона назорати ўрнатилмаган айланма йўллар орқали Қирғизистон ҳудудига ноқонуний олиб ўтмоқчи бўлганида вилоят божхоначилари томонидан тўхтатиб қолинди.

Яна бир «учар тадбиркор» Ш.Соаталиев 11 тоннадан ошиқ сара узумни «КамАЗ» русумли юк автомашинасига юклаб, қўшни республикага ноқонуний олиб чиқиб кетаётганда ушлаб қолинди.

Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси ходимлари айланма йўлда ҳаракатланаётган фуқаро Ш.Птегенов бошқарувидаги «КамАЗ» русумли автомашинани тўхтатиб текширишганда, ҳайдовчининг тўғри йўл қолиб «эгри» йўлни ихтиёр қилганлиги бежиз эмаслиги ошкор бўлди. Республикамиз фуқаролари А.Аймуратов, А.Басков ҳамда Б.Қудайбергеновлар умумий қиймати 9 миллион сўмга яқин хурмо, олма, қуритилган ўрик, майиз каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳеч қандай ҳужжатларсиз четга олиб кетаётган экан.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, одатда қонунбузарлар картошка, пиёз, помидор, олма, узум, сабзи, карам, гуруч каби кундалик эҳтиёж учун зарур маҳсулотларни четга олиб чиқишга кўпроқ ҳаракат қилишади. Ҳолбуки, барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний, яширинча четга олиб чиқилиши — уларнинг танқислигини юзага келтириб, нарх-навога салбий таъсир кўрсатади. Шу боисдан ҳам божхоначиларимиз ҳамиша ҳушёрлик ва диққат-эътиборни сусайтирмасликка ҳаракат қилишмоқда. Қонунбузарликларни фақат республикамиз фуқаролари, балки яқин ва олисдаги давлатларнинг фуқаролари ҳам содир этишмоқда. Чунки, заминимизда етиштирилган ноз-неъматларга ўша мамлакатларда ҳам талаб катта.

Бундай қонунга хилоф саъй-ҳаракатларнинг олдини олиш борасида Давлат божхона қўмитаси томонидан фақат божхона ҳудудлари ва айланма йўллардаги қонунбузарликларгина аниқланибгина қолмасдан, режали тарзда бошқа қатор чора-тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Жумладан, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви, «Камолот» ЁИҲ Марказий кенгаши билан ҳамкорликда қўшни республикалар билан чегарадош ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида кенг қўламли тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам олиб борилаяпти. Бундай тадбирлар фуқаролар билан божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ўртасидаги ҳамкорликни янада яхшилашга, юрт осойишталиги халқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз бойлиги ҳаммамизнинг ризқимиздир. Демак, уни асраш, талон-тарож қилинишига йўл қўймаслик ҳар биримизнинг бурчимиз ҳисобланади.

Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати.